

МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШНИНГ АМАЛИЙ ЙЎНАЛИШИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Тураев Уткирбек Яхшиликович,

катта ўқитувчи, Жиззах политехника институти

АННОТАЦИЯ: Ушбу ишда касб-хунар коллежларида математикани ўқитиш жараёнида касбий йўналишни амалга оширишнинг баъзи бир мумкин бўлган йўллари келтирилган.

Калит сўзлар: касб-хунар коллежлари, Математика ўқитиш, педагогик технологиялар турлари, педагогик жараёнда мулоқот, таълим методлари.

IMPLEMENTATION OF THE PRACTICAL DIRECTION OF MATHEMATICS TEACHING

Turaev Utkirbek Yakhshilievich,

Senior teacher, Jizzakh Polytechnic Institute

ABSTRACT: In this work, some possible ways of implementing a professional direction in the process of teaching mathematics in vocational colleges are presented.

Keywords: vocational colleges, teaching mathematics, types of pedagogical technologies, communication in the pedagogical process, educational methods.

Замонавий касб-хунар коллежларида математикани ўқитишдан кўзда тутилган асосий мақсад замонавий ишлаб чиқариш шароитида ўқувчиларни амалий фаолият учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, уларда бошқа предметларни ўрганиш, келажакда ўқишни давом эттириш, илмий дунёқараш ва меҳнатга ижодий муносабатни шакллантириш учун зарурий ҳисобланган математик тараққиёт даражасига эришишдан иборат.

Бугунги кунда касб-хунар коллежларига жалб этилаётган ўқувчиларнинг математикани қийин ўзлаштириши ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ўқитувчи олдида касб-хунар коллежи ўқувчиларини қандай қилиб математика фанига қизиқтириш керак деган муаммо пайдо бўлади. Бу

муаммони ҳал этиш учун, энг аввало математиканинг ҳар бир мавзусини ўрганишда ўқувчи танлаган касбига оид ҳаётий масалалардан фойдаланиш ва ўрганилаётган тушунчалари уларнинг келажак фаолияти учун зарурлигини ҳис этишга имкон берадиган йўллар, усуллар ва воситаларни кидиришни тақозо этади. Замонавий касб-ҳунар коллежларида математика ва махсус касбий тайёргарлик ўртасидаги алоқани амалга ошириш, математикани ўқитишнинг амалий йўналганлигини таъминлашни асосий йўлларида бири ҳисобланади.

Аммо, касб-ҳунар коллежларида математикани ўқитиш тажрибаси ўқувчиларнинг математик ва махсус тайёргарлиги ўртасидаги алоқанинг кучсизлигини кўрсатади. Бизнинг нуқтаи назаримизча бу муаммони ҳал этишнинг муҳим воситаси бўлиб, математикани ўқитишнинг касбий йўналишини амалга ошириш, худди шунингдек, ўқувчиларнинг математик ва махсус тайёргарлиги ўртасидаги алоқани амалга оширишнинг методик таянчи бўлиб умумкасбий ва махсус фанларни ўрганиш учун асос бўладиган, математика курсининг ихтисослашган мавзу ва бўлимларини ўрганиш методикаси ҳисобланади.

Математик таълимнинг амалий йўналтирилганлиги бу таълимнинг мазмуни ва методларини математик тавсифдаги мустақил фаолият кўникмаларининг шаклланишига йўналтириш ҳисобланади.

Математика ўқитишнинг амалий йўналишини ўз ичига олган қуйидаги методологик-педагогик масалаларни олади:

1. бошқа фанларни ўрганишда зарур бўладиган асосий математик малакаларни ҳисоблашлар, алгебраик шакл алмаштиришлар, ўлчаш ва график қуриш ва шу кабиларни шакллантириш;
2. назарий материални билвосита ёки бевосита масалалар ечиш жараёнида ўрганиш;
3. келгусида математика ёки унинг тадбиқини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўладиган билим ва кўникмаларни эгаллаш;

4. ўқувчиларнинг фанга қизиқишини, уларнинг математик фаоллиги ва қобилиятини ривожлантириш.

Касб-ҳунар коллежларида математикани ўқитишнинг амалий йўналиши педагогик жараённинг кўпгина жиҳатларини қарашни талаб этади ва улар орасида қуйидаги икки жиҳатни қараш ўта муҳим ҳисобланади: 1) мазмунли-операционал; 2) ташкилий-методик.

Мазмунли-операционал жиҳатига қуйидагилар киради:

- 1) касб-ҳунар коллежларидаги ихтисосликлар асосида ўқитиш мазмунини аниқлаш;
- 2) предметларо алоқадорлик асосида мазмунни аниқлаштириш ва методик таъминот яратиш;
- 3) предметларо алоқадорлик мазмунига эга бўлган, касбий ва амалий масалаларни ечиш;
- 4) ўқувчиларнинг махсус фанларни ўрганишда эгаллайдиган билим ва кўникмаларидан фойдаланиш.

Ташкилий-методик жиҳат қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) интеграллашган дарслар, ишбилармонлик ўйинлари, предметларо лаборатория ишлари, курс ва диплом лойиҳалари каби ўқув машғулотлари шакллари кўллаш;
- 2) ягона атамадан фойдаланиш;
- 3) умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув юртларида ўқитишнинг узвийлиги тамойили асосида ўқув жараёнини ташкил этиш.

Математикани ўқитиш жараёнида касбий йўналишни амалга оширишнинг муҳим йўлларида бири бу математика бўйича ташкил этиладиган машғулотлар умумикасбий ва махсус фанларнинг ўқув материалдан фойдаланиш ҳисобланади. Бунинг учун эса умумикасбий ва махсус фанларнинг математика билан узвий боғлиқ ўқув материалларини

методик қайта ишлаш ва математика курсининг тегишли бўлимини ўрганиш жараёнида қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Математикани ўқитишда махсус фанларни ўқув материалидан фойдаланишда қуйидаги шартлар бажарилишига риоя этиш зарур:

1) ишлаб-чиқариш-техник муаммолар янги математик ғоялар ва тасаввурлар манбаи бўлиши керак;

2) математик кўникма ва малакаларни шакллантириш уларни мутахассисликка оид амалий муаммоларни ечишга қўллаш имкониятлари ва самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак;

3) математика курси назарий мазмунининг тараққиёти ўқувчиларнинг ижодий ҳиссиёти тараққиёти билан мустаҳкамланиши керак. Бу ўқувчиларнинг техник ихтирочилик кўникмаларини эгаллашда, мураккаб техник ва технологик масалаларни англашга ўргатишда катта аҳамиятга эга.

Ушбу маърузада математиканинг “Ҳосила” ва “Интеграл” бўлимларини ўқитишда қишлоқ хўжалиги механизацияси тайёрлов йўналиши бўйича кичик мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган касб-ҳунар коллежларида ўқитиладиган махсус фанлар ўқув материалларидан фойдаланиш тажрибаси келтирилади.

Адабиётлар:

1. Терешин Н.А. Прикладная направленность школьного курса математики: Книга для учителя. – М.: Просвещение, 1990, – 46 с.
2. Терешин Н.А. Мировоззренческая направленность курса методики преподавания математики. – М.: Прометей, 1989, - 108 с.
3. Колягин Ю.М.и др. О прикладной и практической направленности обучения математике //Математика в школе. – 1985, – №5, –27–32 с.